

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ ШУХРАТ РАХМАНОВИЧ

**ЎРТА АСР ЕВРОПА САЙЁҲЛАРИ АСАРЛАРИДА
ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Тураев Шухрат Рахманович

Ўрта аср Европа сайёхлари асарларида Ўрта Осиё тарихи ва
маданиятининг ёритилиши..... 5

Тураев Шухрат Рахманович

Освещение истории и культуры Средней Азии в трудах средневековых
Европейских путешественников..... 29

Turayev Shukhrat Raxmanovich

The introduction of Central Asian history and culture in the works of
medieval European travelers..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАЕВ ШУХРАТ РАХМАНОВИЧ

**ЎРТА АСР ЕВРОПА САЙЁҲЛАРИ АСАРЛАРИДА
ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.PhD/Таг 574 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшов Баходир Журсавич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раимкулов Абдусабур Аззамович
тарих фанлари доктори

Бобоёров Ғайбулла Боллневич
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университетининг
Педагогика институти

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "28" 03 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (89 рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "10" 03 кун тарқатилди (2022 йил 10.03 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



Г.Э. Мўминова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тарихининг муҳим бир қисми бўлмиш Евроосиё минтақаси халқлари ўтмишини ҳар томонлама ўрганиш, ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора кучайиб бораётган бугунги кунда долзарблик касб этади. Боиси, Европа ва Осиё қитъасини бирлаштириб турувчи Кавказ, Волга – Урал бўйи ўлкалари каби Марказий Осиё ҳудуди ҳам қадимдан Евроосиё кенглиklarининг узвий бир қисми сифатида минтақа халқлари орасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий жараёнлар учун қулай географик макон ролини бажариб келган. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари орасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун эса ҳар иккала минтақа халқлари учун умумий бўлган жиҳатларни аниқлаш, тарихий тажрибага мурожаат қилган ҳолда бугунги ва истиқболдаги режаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳоннинг етакчи давлатлари, хусусан, Англия, Франция, Германия, Испания, Италия каби Европанинг ривожланган давлатларида Марказий Осиёни тадқиқ этувчи ўнлаб илмий марказлар ўз фаолияти давомида минтақа халқлари давлатчилиги, этнографияси, менталитети, умуман олганда, тарихи ва маданиятини тарихий антропологик йўналишда ўрганаётганлиги диққатга сазовордир. Ушбу тадқиқот марказлари бу масалани ўрганар экан, турли тиллардаги ёзма манбалар билан бирга, археологик ва этнографик изланишлар олиб боришиб, энг аввало, сайёҳлар ва элчилар томонидан ёзиб қолдирилган ёзма маълумотларга эътибор қаратишади. Айниқса, бу масалада қарийб бир ярим минг йиллик вақт кесимида Марказий Осиёга ташриф буюриб, бу минтақани Европага танитган ўнлаб сайёҳ, элчи ва савдогарларнинг ўрни бекиёс.

Дарҳақиқат, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 99-сессиясида “...турли даврларда Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёҳатчи ва тадқиқотчиларнинг кундаликларида (толерантлик) ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цзян, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, англиялик Женкинсон, германиялик Шильтбергер, венгриялик Вамбери шулар жумласидандир”¹ дея таъкидлаб ўтилиши европалик муаллифлар асарларини янада синчиклаб ўрганиш талабини қўймоқда. Шу жиҳатдан олганда, танлаб олинаётган ушбу мавзу долзарблик касб этади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги² ва 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини

¹БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси. Самарқанд шаҳри, 2014 йил 1-3 октябрь, 14-бет.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//<https://lex.uz/docs/3107036>

тасдиқлаш тўғрисида”³ги Фармони ва ҳукуматнинг бошқа қарорларида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни муайян даражада бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мувофиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастурининг устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёга ўрта асрлар даврида келиб, ўз саёхатномаларида, кундалик ва ҳисоботларида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихи ва маданияти, минтақа аҳолиси ва этник таркиби, сиёсий тизими ва бошқарув тартиблари, алоқа-коммуникация йўллари ва воситалари, шаҳарлари ҳақида маълумотлар қолдирган Европа сайёҳлари асарларини ўрганиш, уларни муҳим тарихий манба сифатида тарихий тадқиқотларга жалб этиш асосан XIX асрнинг охирилари – XX аср бошларига тўғри келиб, бу жараён ҳозиргача давом этмоқда. Тадқиқотларнинг хусусиятидан ва нашр қилиниши даражасидан келиб чиқиб, мавзунинг ўрганилишини қуйидаги хронологик даврларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20-80-йилларидаги тадқиқотлар.
2. Мустақиллик даврида мавзунинг ёритилиши.
3. Хориж тарихшунослигида муаммонинг ўрганилиши.

Мавзуни ёритишда муҳим ўрин тутган Европа ёзма манбаларини даврий жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Византия манбалари. Илк ўрта асрларда византиялик тарихчилар томонидан яратилган асарларда мавзуга аниқлик киритувчи айрим маълумотлар учрайди⁴. Улар минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, халқаро муносабатлар, карвон йўллари йўналишлари ва улов воситалари ҳақидаги бирламчи маълумотлари билан қимматлидир.

2. Ривожланган ўрта асрлар даври манбалари. Бу даврда Европа тилларида ёзилган манбалар илк ўрта асрлар даври Византия тарихчилари асарларига қараганда маълумотларнинг кўплиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Бу давр муаллифларининг аксарияти Ўрта Осиёга бевосита ташриф буюрган европалик элчилик миссиялари аъзолари ва сайёҳлар бўлганлиги сабабли улар асарларида келтирилган маълумотларнинг ишончлилигини орттиради. Улар орасида XIII аср ўрталарида Марказий Осиёга бевосита

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 октябрь, №229 (7731).

⁴Аммиан Марцеллин. Римская история / Перевод с латинского Й.А. Кулоковский. – М.: АСТ, 2005. – С. 495.; Менаандр. Византийские историки / Перевод с греческого С. Дестуниса, дополненный с примечаниями Д.Дестуниса. – СПб., 1860.; Прокопий Кесарийский. История войн римлян с персами / Перевод с греческого С. Дестуниса. – СПб., 1876. Ч. I.

ташриф буюрган ПIANO Карпини⁵, Вилгельм Рубрук⁶, Марко Поло⁷ ҳамда Иоганн Шильтбергер⁸, Руи Гонсалес де Клавихо⁹ (XV аср) ва бошқаларнинг асарларини алоҳида келтириб ўтиш керак.

3. Сўнги ўрта асрлар даври манбалари. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида минтақа тарихини ёритишда европалик тадқиқотчилар, айниқса, рус географлари, саёҳатчилари, шарқшунослари ва дипломатлар катта ютуқларни қўлга киритганлар. Улар ичида Москва князи Иван Грознийнинг элчиси сифатида Бухорога келган Англия фуқароси А.Женкинсон (XVI аср)¹⁰, Т.Бурнашев (XVIII аср)¹¹ асарлари ва 1714-1717 йилларда Рус ҳукумати томонидан Александр Бекович Черкасский бошчилигида Хива хонлигига уюштирилган ҳарбий экспедиция даврида тўпланган маълумотларни¹² муҳим манбалар сифатида кўрсатиб ўтиш зарур.

XIX аср бошларида Буюк Британия ҳам Ҳиндистондан Афғонистон орқали Ўрта Осиёга бир неча марта расмий элчилик миссиялари юборади. Савдогар ва сайёҳлар ниқоби остида Ост-Индия компанияси ҳарбий разведка бўлими топшириғи билан махсус тайёргарликка эга бўлган жосуслар ташриф буюриши бунинг яққол исботидир. Улар орасида 1812-1813 йилларда Ўрта Осиёга Ҳиндистондан Қошғар орқали келган Мир Иззатулло¹³ ҳамда 1863 йилда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига саёҳат қилган А.Вамбери асарларида ҳам минтақа тарихи ҳақида муҳим маълумотлар ўрин олганлиги¹⁴ билан алоҳида ажралиб туради.

⁵Джованни дел ПIANO Карпини. История монголов, которых мы называем татарами / Пер. со старофранцузского А.И.Малеина // Путешествия ПIANO Карпини и Вилгельма Рубрука. – М.: Географиздат, 1957. – С. 23-85.

⁶Вилгельм Рубрук. Путешествие в восточные страны Вилгельма Рубрука в лето благодати 1253 / Введение, перевод и примечание А.И.Малеина // Путешествия ПIANO Карпини и Вилгельма Рубрука. – М.: Географиздат, 1957. – С. 88-195.

⁷Марко Поло. Книга о разнообразии мира / Перевод И.Минаева. – М.: ЭКСМО, 2005. – С. 480.

⁸(Шильтбергер И). Путешествия Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) / Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Ф. Брун. – Ташкент: Шарк, 1997. – С. 31-45.; Иоганн Шильтбергер. Путешествия Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 года по 1427 год) / Перевод со старонемецкого Ф. К.Бруна. Издание, редакция и примечания академика АН Азерб. ССР З.М. Буниятова. – Баку: “Элм”, 1984. – С. 23-32.

⁹Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406 гг.) / Пер.со староиспанского, предисловия и комментарий И.С.Мироковой. – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1990.– С. 212; Клавихо Г. История Великого Тамерлана // Тамерлан. Эпоха. Личност. Деяния. – М.: Гураш, 1992. – С. 299-344.; Тоғаев О. Руи Гонзалис де Клавихо Самаркандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йй.). – Тошкент: “O‘zbekiston” 2010. – Б. 7.

¹⁰Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию. 1558-1560 гг. / Перевод с английского Й.В. Готе // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л.: Полиграфкнига, 1937. – С. 167-192

¹¹Путешествие Т.С. Бурнашева от Сибирской линии до города Бухари в 1794 г. и обратно в 1795 г. Изложено Г. Спасским // Сибирский вестник, – Казань.1818, – № 3. – С. 72-89.

¹²Гулямов. Х.Г. Дипломатическая отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX в. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 55-58.

¹³Аминов Б. Труд Мира Иззатуллы «Масир-и Бухоро» как важный источник по истории Средней Азии начала XIX в. // Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы научно-теоретической конференции. – Ташкент: Б.и., 2006. – С. 112-115.; Мавлонов Ў., Аминов Б. Мир Иззатулло ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 20-22.

¹⁴Вамбери А. Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самаркандь, предпринятое в 1863 году сь научною сълю, по поручению Венгерцкой Академии вь Пешть, членомь ея А. Вамбери. – М.: Изд-во А.М. Мамонтова, 1867. – С. 369.

Асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб француз, инглиз, немис ва рус олимлари ўз тадқиқотларида Ўрта Осиё тарихини юнон ва латин тилларида ёзилган Европа ёзма манбалари асосида ёрита бошлаган бўлиб, шу асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларига келгач, бу борадаги изланишларнинг салмоғи ортди. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври, хусусан, Турк хоқонлиги тарихини Византия манбалари асосида тадқиқ қилган франциялик шарқшунос С. Жулиеннинг изланишларини 1903 йилда Э.Шаванн янги босқичга кўтарди¹⁵. 1890-йилларда даниялик тилшунос В.Томсен қадимги турк битиктошларига бағишланган тадқиқотиغا Византия манбаларини жалб қилди¹⁶. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида немис олими Й.Маркварт исломдан олдинги давр Ўрта Осиё тарихини ўрганишда Византия манбаларининг аҳамиятини бир қатор монографиялари орқали илмий жамоатчиликка танитди¹⁷. Айни шу йилларда ўз тадқиқотини олиб борган россиялик турколог В.Радлов ва шарқшунос В.В.Бартольдлар ўз изланишларида Византия манбаларига мурожаат қилди¹⁸. Рус тадқиқотчиларининг сафи кейинчалик Н.В.Пигулевская, М.И.Артамонов, Л.Гумилев, С.Г.Кляшторний, И.С.Чичуров ва яна бир қатор тадқиқотчилар ҳисобига янада кенгайди¹⁹. XX асрнинг 50-йилларида венгриялик тадқиқотчи Г.Моравчик Византия манбаларида Ўрта Осиёга алоқадор равишда ўрин олган деярли барча атамаларни ёритувчи махсус монография эълон қилди²⁰. Унинг тадқиқотларини 1970-1980 йилларга келиб, асли венгриялик америка олими П. Голден давом эттирди²¹. Бу даврдаги илмий изланишларда Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври тарихи ва маданияти Европа ёзма манбалари асосида ўрганилганлигини кузатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрта асрлар тарихи билан шуғулланувчи қатор олимлар ўз илмий изланишларига Европа манбаларини ҳам жалб қилдилар. Улар орасида Э.В.Ртвелдазе, Л.С.Баратова, А.Зиё,

¹⁵Julien S. Mémoires sur les Contrées Occidentales. – Paris, 1851; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903.; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 495.

¹⁶Thomsen V. Orhon ve Yenisey yazıtlarının ilk çözümü. İlk Bildiri. Çözölmüş Orhun yazıtları (Türkçe terc. V. Köken). – Ankara: TTK, 1993.

¹⁷Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938. – P. 202.; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901. – S. 378.

¹⁸Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древнетюркские памятники в Кошо-Цайдаме. – СПб., 1897.; Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский период // Сочинения. V. – М.: Наука, 1964. – С. 263-302.; Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Сочинения. Т. II. Ч. 2 – М.: Наука, 1964. – С. 19-194.

¹⁹Пигулевская Н.В. Византия и Иран на рубеже VI и VII веков. – М.- Л.: Изд-во АН СССР, 1946. – С. 289.; Пигулевская Н.В. Византия на путях в Индию (Из истории торговли Византия с Востоком в IV-VI вв.). – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1951. – С. 410.; Артамонов М.И. История Хазар. – Л.: Изд-во Государственного Эрмитажа, 1962. – С. 523.; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – С. 502.; Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 215.; Кляшторный С.Г., Савинов Д.Г. Степные империи Евразии. Изд. 2-я. – СПб., Фарн, 2005. – С. 165.; Чичуров И.С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – С. 215.

²⁰Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin: Akademie-Verlag, 1958. – S. 376.

²¹Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1992. – P. 483.; Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara: KaraM, 2002. – S. 389.

Ў.Мавлонов, Б.Эшов, Ғ.Бобоёров, А.Отахўжаев, А.Кубатинларнинг ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин²². Ушбу тадқиқотчилар Эфталийлар, Турк хоқонлиги, Суғд ва Тохаристон тарихини ўрганар экан, Византия манбаларига кўп бора муурожаат қилгани кўзга ташланади. Европа муаллифлари асарларида Ўрта Осиёнинг сўнгги ўрта асрлар даври тарихига оид маълумотлар, ўзбек хонликлари тарихини ўрганувчи Б.Бобожонов, З.Саидбобоев ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган²³.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври тарихини Европа ёзма манбалари асосида ўрганиш бўйича хорижда кўплаб илмий тадқиқотлар бажарилган. Француз П.Шювен ва Э. де ла Веспьер, туркиялик Х.Эркўч, украин олими А.Комар, россиялик В.Тишин, тожикистонлик М.М.Исоматовларнинг ишлар шулар жумласидандир²⁴.

Бироқ шу пайтгача амалга оширилган тадқиқотларда ўрта асрлар Европа ёзма манбаларини Ўрта Осиё халқлари тарихи манбаси сифатида алоҳида олиб ўрганилган илмий ишлар мавжуд эмас. Европалик муаллифлар асарларининг тарихимиз манбаси сифатидаги илмий аҳамиятини янада тўлақонли тасаввур қилиш ва минтақа халқлари тарихининг мавҳум жиҳатларига аниқлик киритиш учун бу борада тизимли илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий тадқиқот режасининг 2016-2019 йилларда бажарилган “Эрамус+” (Темпус) дастури 574253-ЕРР-1-2016 DE-ЕРКА 2-СВНЕ-ЈР “MAGNET”: Ўзбекистонда ўрта ёшдаги одамларни касбий таълим ва ўқитиш марказлари тармоғида университет таянч ҳамкор сифатида

²²Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – С. 280.; Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. 1. – Ташкент: Media Land, 2002. – С. 304: 29 илл.; Баратова Л.С. Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 44-59.; Баратова Л.С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4-6, 2004. – Bishkek, 2005. – С. 415-422; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 282.; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ривожланиш босқичлари. – Тошкент: “Академиа”, 2008. – Б. 432.; Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 212-222.; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б. 219.; Бабаяров Ғ., Кубатин А.К. вопросу о Византийском влиянии на иконографию монет Западно-Тюркского каганата // O‘zbekiston tarixi. – Ташкент, 2008. – № 4. – С. 3-10.

²³Бабаджанов Б. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент – Токио: Yangi nashr, 2010. – С. 44.; Саидбобоев З.А. Историко-картографические источники по Средней Азии в период развитого средневековья в Западной Европе / З.А. Саидбобоев // Молодой учёный, Ташкент, 2014. – №13. – С. 205-208.

²⁴Шювен П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1995. – № 1-3. – С. 33-38; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies = Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10). – Leiden – Boston: Brill, 2005. – P. 407.; Vaissière E. de la. Is There a “Nationality of the Hephthalites” // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 2003. – Vol. 17. – P. 119-132.; Комар А. Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – С. 100-102.; Тишин В.В. К вопросу о характере общины у древних тюрков VI-VII вв. // Восток. Афроазиатские общества: история и современность. №2, 2015. – С. 43-53.; Erkoç H.İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı. Basılmamış Yüksek Lisans Tezi. – Ankara, 2008. – S. 270.; Исоматов М.М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии: Дис. ... докт. ист. наук. – Душанбе, 2009. – С. 50.

хамда 2017-2018 йилларда бажарилган 49-05/85 рақамли “Қашқадарёнинг туристик салоҳиёти глобал тармоқда” номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - ўрта асрларда Марказий Осиёга ташриф буюрган европалик сайёҳ, элчи, савдогар ва бошқа муаллифларнинг асарларида ўрин олган маълумотлар асосида Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўрта Осиё тарихи ва маданиятини ёритувчи ўрта асрларга оид Европа сайёҳлари асарларини таснифлаш, уларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

илк ўрта асрларда Византия манбаларида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг ёритилиши масаласини кўриб чиқиш ҳамда Турк ҳоконлигининг Сосонийлар давлати ва Византия билан муносабатларига оид маълумотларни таҳлилини баён қилиш;

ривожланган ўрта асрлар даври Европа сайёҳлари (П.Карпини, В.Рубрук, М.Поло, Руи Гонсалес де Клавихо, И.Шильтбергер) асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятининг ёритилиши масаласини кўриб чиқиш;

сўнгги ўрта асрларда Европа сайёҳлари, ҳарбийлари ва жосуслик хизмати ходимлари асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятига доир маълумотларни таҳлил қилиш;

XVI-XIX асрлар Европа сайёҳлари ва Россия элчилик миссиялари, ҳарбийлар ва дипломатлар асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятининг акс эттирилганлигини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятига хос хусусиятларнинг Европа манбаларида акс этиши белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Маълумотларни тизимлаштириш, муаммоларни комплекс умумлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил ва даврлаштириш, тарихийлик, холислик тамойиллари кабилардан иборат. Шунингдек, диссертацияда типологик, солиштирама ва комплекс таҳлил, даврлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиё тарихи ва маданиятини ёритувчи ўрта асрларга оид Европа сайёҳлари асарларининг бирламчи манба эканлиги ва Шарқ тилларидаги ёзма манбаларда ўрин олмаган кўплаб маълумотлар XII-XIX асрлар биринчи ярмига қадар Марказий Осиёга ташриф буюрган Пано Карпини, Вилгельм Рубрук, Марко Поло, Руи Гонсалес де Клавихо, Иоганн Шильтбергер, Антонио Женкинсон, Мир Иззатулло, Армений Вамбери, шунингдек, XVII-XIX асрлар Россия элчилик миссиялари, ҳарбийлари ва дипломатлари Флорио Беневини, Тимофей Степанович Бурнашев, Егор Казмирович

Мейендорф, Пётр Иванович Демезон, Николай Васильевич Хаников каби сайёҳ ва элчилар асарларида мавжудлиги асосланган;

Ўрта Осиёга ўзга дин ва маданият вакиллари сифатида “ўзгача бир назар” билан қараган европалик муаллифлар минтақа халқларининг кўпроқ ижтимоий ва маиший ҳаётига эътибор қаратганликлари далилланиб, минтақа аҳолисининг бир қисми ўтроқ ва яна бир қисми кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган маҳаллий аҳолининг катта қисмини туркий ва форсий тилли элатлар ташкил этиши далилланган;

сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида оид европалик, хусусан, россиялик муаллифлар томонидан тўпланган маълумотлар бу ердаги ижтимоий-сиёсий вазият, минтақа халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, тили, дини, иқтисодий ва маданий ҳаёти, стратегик аҳамиятга эга жойлари (шаҳарлар ва уларнинг географик жойлашуви, йўл ва масофалар, дарё ва тоғлар, дашт ва чўллар, иқлим шароити, табиий бойликлари) ҳақида эканлиги далилланиб, бу сиёсий мақсадга қаратилгани ва Европа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига хизмат қилганлиги аниқланган;

бир ярим минг йиллик вақт кесимида Ўрта Осиёга келиб кетган Европа вакиллари ёзиб қолдирган Европа тилларидаги маълумотлар асосида минтақа халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий томонларининг ёритилиши, шаҳарлар ва уларнинг ички тузилиши, бозорлар, маҳаллий аҳолининг маиший ҳаёти каби маълумотлар европаликларнинг минтақа ҳақидаги тасаввурларини бойитиб, асрлар оша такомиллашиб боргани, бу эса Европа ва Ўрта Осиё халқлари орасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланишига ҳисса қўшган муҳим омил эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

европалик сайёҳ, элчи, савдогар ва бошқа муаллифларнинг ўрта асрларда Ўрта Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий жараёнларни нисбатан маълум даражада холис ёритганликлари, ўзга дин ва маданият вакиллари сифатида воқеликларга “ўзгача бир назар” билан қараб баҳо берганликлари кўрсатиб берилган;

тадқиқотчилар орасида кўп йиллардан бери устувор бўлиб келаётган айрим тортишувли масалаларга ойдинлик киритилган. Хусусан, европалик муаллифларнинг Ўрта Осиё давлатлари тарихи билан боғлиқ маълумотлар бошқа тилларда бирёқлама ёритилган айрим тарихий воқеликларга аниқлик киритиши кўрсатилган. Жумладан, Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудлар кўчманчи халқлари томонидан асос солинган бир қатор сулолаларнинг минтақа ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаётида тутган ўрни масаласидаги баъзи номаълум жиҳатлари далиллар асосида тўлдирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўрта Осиёнинг V-XIX асрлар тарихи ва маданиятига оид Европа сайёҳлари асарлари ҳамда кундаликларидаги маълумотлар тарихий манбаларга асослангани, мавжуд манбалар билан қиёслаб таҳлил этилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий

натижалар республика, хорижий илмий нашр ва конференцияларда муҳокама қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** тарих фанининг “Цивилизациялар тарихи”, “Этномаданият”, “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий география” ва “Манбашунослик” соҳаларидаги фанлараро янгича ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, илмий-назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга имкон беришда кўринади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** бакалавр-тарихчи талабалар учун “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанлари ҳамда магистратура босқичи “Ўзбекистон тарихи” мутахассислиги бўйича “Ўрта Осиё шаҳарлари тарихий топографияси” фанидан ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ўрта аср Европа сайёҳлари асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятининг ёритилиши” га оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

бир ярим минг йиллик вақт кесимида Ўрта Осиёга келиб кетган Европа вакиллари ёзиб қолдирган Европа тилларидаги манбалар асосида минтақа халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий томонларини ёритилиши, шаҳарлар ва уларнинг ички тузилиши, бозорлар, маҳаллий аҳолининг маиший ҳаётига доир тадқиқотнинг илмий натижаларидан “Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи” номли дарсликнинг 1, 4, 5 параграфларини мазмунини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августда тақдим этган 89-03-2819-сонли маълумотномаси). Натижада дарсликнинг ўрта асрлар – XX асрнинг биринчи ўн йиллиги даври мавзулари бўйича маълумотлар базасини бойитишда муҳим аҳамият касб этган.

Ўрта Осиё тарихи ва маданиятини ёритувчи ўрта асрларга оид Европа сайёҳлари асарларининг бирламчи манба эканлиги ва Шарқ тилларидаги ёзма манбаларда ўрин олмаган кўплаб маълумотлар XII-XIX асрлар биринчи ярмига қадар Марказий Осиёга ташриф буюрган Плано Карпини, Вилгельм Рубрук, Марко Поло, Руи Гонсалес де Клавихо, Иоганн Шилтбергер, Антонио Женкинсон, Мир Иззатулло, Армений Вамбери, шунингдек, XVII-XIX асрлар Россия элчилик миссиялари, ҳарбийлар ва дипломатлари Флорио Беневини, Тимофей Степанович Бурнашев, Егор Казмирович Мейендорф, Пётр Иванович Демезон, Николай Васильевич Хаников каби сайёҳ ва элчилар асарларидаги маълумотлар таҳлили Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 01 июлдаги 02-14-701-сон маълумотномаси). Натижада бу кўрсатувлар орқали европалик

сайёҳлар нигоҳида минтақа халқлари тарихи, давлатчилик анъаналари ва маданияти тўғрисида тушунчалар ҳосил бўлишида ёрдам берган;

Ўрта Осиёга ўзга дин ва маданият вакиллари сифатида “Ўзгача бир назар” билан қараган европалик муаллифлар минтақа халқларининг кўпроқ ижтимоий ва маиший ҳаётига эътибор қаратганликлари далилланиб, минтақа аҳолисининг бир қисми ўтроқ ва яна бир қисми кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган маҳаллий аҳолининг катта қисмини туркий ва форсий тилли элатлар ташкил этиши уларнинг асарлари мисолида ёритилиши Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали томонидан эфирга узатилган “Буюк юрт алломалари” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда тадқиқотнинг илмий хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston Teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2020 йил 01 июлдаги 02-14-702-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувни мазмунан бойитилишига, томошабинларга европалик сайёҳлар ва уларнинг асарларидаги Ўрта Осиё тарихига доир далилланган маълумотлар билан кенгроқ танишиш имкониятини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуман ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 та республика миқёсидаги ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар, шартли қисқартмалар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 162 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилингани, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг бирини боби **“Византия манбаларида илк ўрта асрлар даври Ўрта Осиё тарихи ва маданияти”** деб номланган бўлиб, унинг *биринчи параграфида* илк ўрта асрларда Византия манбаларида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг ёритилиши масалалари таҳлил қилинди.

Асосий ҳудуди Кичик Осиё ва Болқон ярим оролларида иборат бўлган Византия империяси бир неча асрлар давомида Сурия, Кавказ, Қора денгиз бўйларида ўз сиёсий таъсирини ўрнатиб, ўзидан шарқда жойлашган Сосонийлар Эрони, Эфталлийлар давлати, турк хоқонликлари (Ғарбий Турк хоқонлиги, Хазар хоқонлиги, Авар хоқонлиги ва ҳ.к.) лар билан қалин савдо ва дипломатик алоқаларда бўлади. Византия ва Ўрта Осиё халқлари орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар айнан ушбу сулолалар даврида жадаллашган бўлиб, ўзаро элчилик ва савдо алоқалари натижасида византиялик муаллифлар минтақамиз халқлари ҳақида кўплаб маълумотларни ёзиб қолдиришган.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, византиялик муаллифлар томонидан қайд этилган маълумотлар, асосан, Ўрта Осиёда кечган сиёсий воқеликларга тегишли бўлиб, айрим ҳоллардагина уларда минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволига тўхталиб ўтилгани кўзга ташланади. Шу билан бирга, Византия манбаларининг кўпчилигида қисман Эфталлийлар давлати (420-565й.й), асосан Турк хоқонлиги (562-744й.й) доирасида юз берган сиёсий жараёнлар ўз аксини топган. Хусусан, хоқонлик тарихини, айниқса, унинг дипломатик алоқалари тарихини ёритишда Византия манбалари алоҳида ўринга эга²⁵.

Хусусан, Менандр (VI аср охири), Феофан (VII аср бошлари), Феофиликт Симокатта (VII аср биринчи ярми) каби византиялик тарихчилар ўз асарларида хоқонликка доир маълумотларни келтирар эканлар, сайёҳ ва элчилар берган хабарлардан фойдаланиб, реал воқеликларни ўз асарларида акс эттиришган²⁶.

Шунингдек, Турк хоқонлиги томонидан 568 йилдан бошлаб Византияга юборила бошлаган туркий ва суғдий элчилар ҳам Византия йилномаларида Ўрта Осиё халқларига оид маълумотларнинг сақланиб қолишига замин яратган. Дарвоқе, Византия манбаларининг хоқонлик тарихига доир маълумотлари хронологик жиҳатдан VI асрнинг 60-йиллари – VII асрнинг 30-йиллари орасини ўз ичига олиб, ҳар иккала салтанат орасидаги ўзаро дипломатик алоқалар асосан шу давр оралиғида узвий давом этган.

Византиялик муаллифлар қарийб минг йилдан ортиқ давр ичида, яъни милодий IV асрдан XV асргача бўлган вақт мобайнида Ўрта Осиё минтақасида кечган тарихий жараёнларни у ёки бу даражада ўз асарларида акс эттириб берганлар. Натижада минтақага хос тарихий воқеликлар, жой номи ва киши исмлари, унвонлар, урф-одат ва ҳоказолар билан боғлиқ юзлаб сўз ва атамалар Византия манбаларида ўз аксини топган²⁷.

²⁵Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958.; Чичуров И.С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – С. 52.

²⁶Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Баур, 2005. – С. 583-639.; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – С. 54.

²⁷Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin: Akademie-Verlag, 1958.

Шу узоқ юз йилликлардаги воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаммаси воқеанавислар, хронографлар ва тарихчилар асарларида ўз аксини топган. Бу муаллифларнинг баъзилари Феофиликт Симокатта, Феофан ҳамда Никифор (VIII-IX) нафақат Византиянинг ҳудуди ва атрофларидаги, балки ундан анча узоқдаги Ўрта Осиё халқларининг аҳволдан ҳам у ёки бу даражада хабардор бўлганлар. Бундан кўринадики, византиялик тарихчилар ўрта асрларда минтақамиз ва унинг атрофларидаги ҳудудларга эътибор қаратишган.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритувчи Византия манбаларидан маълум бўлишича, минтақа халқлари асосан кўчманчи, ярим кўчманчи, ўтроқ ва шаҳар аҳолисидан иборат бўлиб, унинг “Трансоксиана” деб аталадиган қисмида, яъни Амударё-Сирдарё оралиғида кўпроқ шаҳарларда яшовчи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо ва хунармандчилик устуворлик қилувчи аҳоли яшаган.

Византиялик тарихчилар ёзиб қолдирган асарлар Эфталийлар давлати тарихининг мавҳум жиҳатларини ёритадиган маълумотлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Масалан, Прокопий (VI аср), “*улар (яъни эфталийлар) хунлардандир, таналари (эса) оқдир*” деб ёзган²⁸. Оқ хун, яъни эфталийлар ҳақида маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам учрайди²⁹. Византиялик тарихчилар орасида Аммиан Марцеллин, Приск Панийский, Прокопий, Агафий ва Феофилакт Симокатта ўз асарларида Эроннинг шимоли-шарқий чегараларидаги эфталийлар тўғрисида ёзиб, уларни хионийлар ва кидарийлар билан тенглаштирганлар.

Византиялик элчи Земарх (VI аср) ёзиб қолдирган маълумотларга суянган П.И.Лерх ва Н.И.Веселовскийлар эфталийларга туб негизи ўрта осиелик (хоразмлик) элат деб қарайдилар. Уларга кўра, мазкур элчи тилга олган “*Хоалийлар ўлкаси*”ни Хоразм билан тенглаштириб, ўрта асрлардаги Кердер шаҳрини Кидар давлати билан боғлаб, шу негизда уларни эфталийларга олиб бориб тақаса бўлади³⁰, деган хулосага келадилар.

Мазкур бобнинг “*Византия манбаларида Турк ҳоқонлигининг Сосонийлар давлати ва Византия билан муносабатларига оид маълумотлар таҳлили*” деб номланган иккинчи параграфида Турк ҳоқонлигининг Сосонийлар давлати билан муносабатининг кескинлашуви оқибатида Византия империяси билан ўрнатган дипломатик муносабатлар таъсирида империядан ташриф буюрган элчилар кундаликларидаги маълумотлар таҳлил қилинди.

Византия манбаларида Турк ҳоқонлигининг Сосонийлар давлати ва Византия билан муносабатларига оид маълумотларни таҳлил қилганимизда ҳоқонликнинг ўз даврида жаҳоннинг энг етакчи давлатларидан бири сифатида намоён бўлганига гувоҳ бўламиз. Хитой ва бошқа тиллардаги ёзма манбалардан маълум бўлишича, илк ўрта асрларда Осиё ва Европада асосан 4 та салтанат сиёсий жиҳатдан устунлик қилган: улар Хитой, Сосонийлар

²⁸Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1941. – С. 50.

²⁹Biswas A. The political history of the Huns in India. – New Delhi, 1973. – P. 27, 49, 67, 133.

³⁰Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara: KaraM, 2002. – S. 64-65.

Эрони, Византия ва Турк хоқонлиги эди. Византиялик муаллифлар келтирган маълумотлар ҳам деярли бу ҳолатни тасдиқлайди.

Византиялик тарихчилардан Менандр, Феофан ва Феофиликат Симокатта ўз асарларида³¹ Турк хоқонлигига тегишли маълумотларни келтирар экан, хоқонлик саройига ташриф буюрган византиялик элчилар келтирган хабарларга мурожаат қилишган. Шу билан бирга, хоқонликнинг жавоб элчиликлари ҳам 560-йиллардан бошлаб бир неча йиллар давомида Византия пойтахти Константинопол шаҳрига ташриф буюришган бўлиб, византиялик тарихчилар ёзиб қолдирган манбалар мазмунидан ҳам уларнинг хоқонлик элчилари маълумотларига таянганликларини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, 570-йилларда хоқонликнинг Қора денгизнинг шимолий-шарқий қирғоқларидаги Византияга қарашли айрим порт шаҳарларни бир муддат эгаллаб туриши, 630-йилларда Ашина хонадони томонидан Хазар хоқонлигининг ташкил этилиши ва унинг Византия билан яқин алоқалар ўрнатиши натижасида византиялик муаллифлар хоқонликнинг сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишган эдилар.

Хуллас, Турк хоқонлиги – Византия алоқаларига доир византиялик тарихчилар ёзиб қолдирган маълумотлар хоқонлик тарихининг икки асрлик даврини эмас, асосан 560-630 йиллар орасидаги воқеликларни, яъни 70 йиллик муддатни ўз ичига олса, Турк хоқонлиги – Сосонийлар Эрони алоқаларига доир маълумотлар эса тахминан шу даврлар билан чекланади. Шарқий Турк хоқонлигига Хитой томонидан барҳам берилиши ва Ғарбий Турк хоқонлигининг алоҳида хоқонликка айланган йиллари (630-740) даври эса византиялик тарихчилар асарларида деярли тилга олинмайди. Бунинг сабаби, фикримизча, ўша даврдаги сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унинг замирида Олд Осиёда арабларнинг етакчи сиёсий куч сифатида майдонга чиқиши ва 630-650 йилларда яқин қўшнилари бўлмиш Сосонийлар Эрони ва Византия империясига хавф туғдира бошлаши омили ётади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ривожланган ўрта асрлар даври Европа сайёҳлари асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятининг ёритилиши”** деб номланган бўлиб, бу ерда аввало Плато Карпини (1182-1252й.й.) ва Вилгельм Рубрук (1220(30) – 1270(93) й.й.)нинг кундаликларида Ўрта Осиёдаги сиёсий ва ижтимоий ҳаёт масалалари кўриб чиқилди.

Европаликларнинг Шарққа бўлган қизиқиши ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият билан чамбарчас боғлиқ эди. Чунки бир неча қироллик ва графликлардан иборат Европа давлатлари Шарқда кечаётган жараёнларга турлича ёндашдилар. Аввало, жанговор мўғул ўрдаларининг ҳарбий муваффақиятларидан даҳшатга тушиш, баъзи халқларда (Шарқий Европанинг

³¹Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Баур, 2005. – С. 583-639.; Kalankatlı Moses. Alban Tarihi. Türkçeye çeviren Y. Gedikli. – İstanbul: Selenge, 2006. – S. 383.; Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958. – С. 376.; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – С. 215; Ахмедов А. Византия манбалари// Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия 211. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 6-20.

христиан динига эътиқод қилувчи аҳолиси – *Ш.Т.*) улардан асосий душманлари бўлмиш – мусулмонларга қарши иттифоқчи қидириш ҳисси билан қоришиб кетган эди. Шунингдек, салибчилар ўзларининг Шарқ мамлакатларига юришлари вақтида фаластинлик христианлардан эшитган, Узоқ Шарқда жойлашган номаълум христиан подшолиги тўғрисидаги турли миш-мишларни Европага тарқалишига сабабчи бўлган эдилар.

XIII аср ўрталарида минорит орденининг икки руҳонийси бир-биридан беҳабар ҳолда Шарққа қараб йўлга чиқишади. Уларнинг зиммасига мўғуллар хони дўстлиги ва ҳимоясига эришиш вазифаси юкланган эди. Бу икки руҳоний: бири италиялик Пано (Пяно) Карпини (Джиованни дель Пано Карпини) (1245-1247 йиллар)³² ва иккинчиси фламандлик Вилгельм Рубрук (Рубруквис) (1253-1255 йиллар)³³ саёҳатларини амалга оширган эдилар. Улар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар ўша давр Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг турли халқлари тўғрисидаги қимматли маълумотлари билан бошқа асарлар орасида алоҳида ажралиб туради.

Пано Карпинининг “*Ystoria Mongalorum*” (“Мўғуллар тарихи”)³⁴ саёҳатнома асари XIII асрда анча кўп нусхада тарқалган бўлса, Рубрук “Саёҳати” қўлёзмаларининг ҳам бир нечта нусхалари бўлса-да, бироқ уларнинг катта қисми бизгача етиб келмаган³⁵. Шарқ халқлари ҳақидаги хабарларнинг бу икки сайёҳлар томонидан баён этилиши ўша давр жамияти учун йўқолиб кетмади, бу хабарлар, маълумотлар Европа давлатлари зиёли инсонларининг эътиборини тортган эди³⁶.

Пано Карпини саёҳати давомида Ўрта Осиё халқлари, уларнинг урф-одатлари ҳақида тўхталиб ўтган қуйидаги мисолни келтириш мумкин: “*Мўғуллар уйларининг (ўтов) юқори қисми ўртасида деразаси бўлиб, ундан ёруғлик тушиб туради ҳамда тутун чиқиб туради, чунки қароргоҳ ўртасида олов ёниб турар эди. Деворлари ва томи кигиз билан ўралган ва камбағалликларига қараб уй-жойлари ҳар хил катта-кичик. Баъзилари бўлақларга тез ажратилиб, туяларга ортиб, кўчириб келтирилиб қурилади. Улар қароргоҳларини ўзлари билан олиб юрадилар*”³⁷.

³²Путешествия в восточные страны Пано Карпини и Рубрука. Редакция вступительная статья и примечания Н.П.Шастиной. – М., 1957. – С. 12.; Plassmann T. Giovannida Pianò Carpine //The Catholic Encyclopedia. Vol. 12. The Storyof the Mongols whom we Call theTartars by Friar Giovanni di PianoCarpini/ Transl. Withan Intr. by E. Hildinger. – Boston, 1996.; Юрченко А. Г. Империя и космос. Реальная и фантастическая история походов Чингисхана по материалам францисканской миссии 1245 года. СПб., 2002. – 431 с.; Путешествие в восточные страны. Введение, перевод и прим. А.Малеина. – СПб., 1911.; Майоров А.В. Монголы, Никея и Рим в середине XIII столетия // Золотоордынская цивилизация: журналъ. – Казань, 2012. – № 5. – С. 193-208. – ISSN 2409-0875.

³³Карпини Джиованни дел Пано. История монголов. Рубрук Гилём де. Путешествие в Восточные страны. Ред., статья и прим. Н.П.Шастиной. – М., 1957. – С. 32.; Собрание путешествий к татарам и другим восточным народам, в XIII, XIV и XV столетиях. Тип. департ. народного просвещения СПб., 1825. – С. 19.

³⁴Ostrowski D. Second-Redaction Additionsin Carpini’s Ystoria Mongalorum // Harvard Ukrainian Studies. 1990. Vol. 14. № 3-4. – P. 522-550.

³⁵Алексеев М.П. Сибирь в известиях западноевропейских путешественников и писателей. – Иркутск, 1941. – С. 550-551.

³⁶D’Avezac. Relation des Mongols ou Tertares par le frère Jean du Plan de Carpin. – Paris, 1839. – 598 p.

³⁷Бу ҳақда батафсил қаранг: Волин С.А. Сведения Пано Карпини О Золотой Орды и народов монгольских степей. – М.: Наука, 2000. – С. 63.

Мўғулларнинг оловга сиғинишлари ҳақида: “улар олов ҳамма нарсани поклайди, тозалайди деб ишонадилар. Шунинг учун улар келадиган элчилар, уларнинг совгалари ва бошқа шахсларни ҳам икки олов ўртасидан ўтказадилар, гўёки, шунда улар покланадилар ва зарар келтириши, бирон кишини заҳарлаш ёки бирор ёмонлик каби ишларни қилолмайдилар...”³⁸. Плано Карпинининг асарида таъзия маросими қатнашчиларини олов билан поклаш одати ҳақида баён қилинган. Оловга пичоқ теккизиш, пичоқ билан бирон-нарсани олов олдида кесиш оғир гуноҳ ҳисобланган, гўёки, шунда оловнинг “боши чопилиши” мумкин³⁹ деб кўрқишган.

Вильгелм Рубрук мўғулларнинг буюк хони (Мункехон) қароргоҳига кирол Людовик IX томонидан юборилади. Ўз миссияси ҳақидаги “Шарқий мамлакатларга саёҳат” ҳисоботида батафсил тўхталиб ўтганлиги учун ҳам ушбу манба ўта қимматли ва янада кенгроқ тарихий-этнографик маълумотларга бой ҳужжатдир.

В.Рубрук ўз асарида Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкаларда кенг тарқалган халқ бўлимиш туркийлар билан учрашиб, уларнинг турли-туман уруғ ва қабилаларини тилга олган. *Турк, қипчоқ, қангли, куман* каби этнонимлар Рубрук асарида кўп учрайдиган туркий этнонимлардир. Шунингдек, сайёҳ турк ва мўғулларга алоқадор ўнлаб сўз ва атамаларни келтирган бўлиб, уларнинг кўпчилигини туркий сўзлар ташкил этади. Айниқса, унинг мўғул бошқарувчилари ёки мўғул жамоасига тегишли деб билган сўзлари ҳам туркий негиздалиги бу пайтда туркий тилнинг минтақада кенг ёйилгани, ўша кезларда мўғулларнинг тил жихатдан турклаша бошлаганидан дарак беради. Асарда *айрам* “айрон”, *бал* “бол, асал”, *су* “сув”, *кам* “шомон, бахши”, *кара* “қора” (ранг), *космос* “қимиз”, *каракосмос* “қора қимиз”, *кулам* “қулон, ёввойи эшак”, *грут* “қурут” (сут маҳсулоти), *йам* “ём” (почта хизмати), *яскот* “ёстук” (кумуш пул бирлиги), *орда* “ўрда” (сарой), *согур* “суғур”, *туман* “ўн минг, туман” (сон) ва яна бир қатор сўзлар ўрин олган бўлиб, улар туркийча сўзлардир⁴⁰. Рубрук қайд этган ушбу сўзларнинг кўпчилиги ўзбек тилида фаол сақланиб қолган сўзлар сирасига киради.

Вилгелм Рубрук Осиёнинг ичкари қисмларига саёҳат қилган биринчи европалик сайёҳ ҳисобланади. Унинг қолдирган сафар ҳисоботи ўша даврдаги Шарқий Европа, Жанубий Урал, Ўрта Осиё ва Хитойнинг баъзи ҳудудлари географияси, тарихи ва этнографиясига оид қимматли манбадир⁴¹.

Хуллас, Плано Карпини ва Вилгелм Рубрук берган маълумотлар Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўрта асрлар Хоразм ва Бухоро даштларида яшаган кўчманчи аҳоли ҳақидаги тарихий билимларимизни янада кенгайтиради.

³⁸ Токарев С.А. Истоки этнографической науки (до середине XIX в.). – М.: Наука, 1978. – С. 61.

³⁹ Путешествие в восточные страны Вильгельма де Рубрука в лето благодсти 1253. – М.: Мысль, 1997. – С. 7-8; Волин С.А. Сведения Плано Карпини О Золотой Орды и народов монгольских степей. – М.: Наука, 2000. – С. 63.

⁴⁰ Clark L.V. Rubrucklu William’ın Seyahâtnâmesi’ndeki Türkçe ve Moğolca Kelimeler (1253-1255) // Türkbilg, 2013/26. – S. 149-164.

⁴¹ Тизингаузен Б.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды (Извлечение из сочинений средневековых авторов). Т.1, СПб, 2004.– С. 163.

Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли муносабатлари, уларнинг анъана ҳамда урф-одатлари, диний қарашлари, турмуш тарзи ҳамда хўжалик машғулотилари ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади.

Ушбу бобнинг *“Марко Поло саёҳатномасида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятига доир маълумотларнинг акс этиши”* деб номланган иккинчи параграфида ўз асарларида марказий осиелик халқларни, хусусан, турли туркий ва мўғул элатларни тавсифлаган сайёҳ Марко Поло (1254-1324 йиллар)нинг асари⁴² тадқиқ қилинди. Ушбу сайёҳ берган маълумотларга кўра, Осиё халқларнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзида катта фарқлар кўзга ташланмаган. Марко Поло минтақанинг бошқарувчи тоифасини “татар”лар деб ёзса-да, уларни туркийлардан алоҳида элат сифатида кўрмаганлиги англашилади⁴³. Сайёҳ туркий ва мўғул уруғларида кўчманчи турмуш тарзи устуворлиги, чодир ўтовларда яшаб, яйлов қидириб кенг даштликларда кўчиб юриши, гўшт ва суг маҳсулотларини кўп истеъмол қилиши, жамиятда аёлларнинг мавқеи юқори эканлиги, ҳукмдорларнинг бошқа амалдорлар билан кенгашиб қарорлар қабул қилиши, кенгаш – курултой чақириб, турли сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ўзаро маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириши, аҳолининг катта қисми моҳир жангчилардан ташкил топганлиги, жангчилар сони, ҳарбий интизом қаттиқлиги, диний ҳаётда шомон-бахшиларнинг ўрни юқори эканлиги каби масалаларга катта эътибор қаратади. Марко Поло қайдлари Ўрта Осиё халқларининг маданиятига доир маълумотларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, минтақа халқларининг кўпчилиги кўчманчи чорвадор бўлиши билан бирга, сезиларли бир қисми ўтроқ ва шаҳарларда яшовчи моҳир савдогар, қўли гул ҳунармандлар бўлишган. Минтақанинг чўл ва дашт қисмидаги кўчманчи аҳоли ва бошқарувчи тоифага нисбатан “татар” этноними қўлланган бўлиши баробарида Марко Поло бу ерларни умумий ном билан “туркийлар юрти” (Туркистон, Туркия) деб юритган. Бу эса сиёсий бошқарув мўғуллар қўлида бўлишига қарамай, уларнинг бюрократик аппарати, зиёлилар ва кўшини асосан туркийлардан иборат бўлгани, шунинг учун ҳам сайёҳ мўғулларни ҳам уларнинг бир қисми сифатида кўрсатгани мисолида ўз тасдиғига эга.

Иккинчи бобнинг *“Европа сайёҳлари асарларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданияти, Руи Гонсалес де Клавихо ва Иоганн Шилтбергер асарлари мисолида”* деб номланган учинчи параграфида Амир Темур ҳукмронлик қилган XV асрдаги Мовароуннаҳр ва унинг баъзи шаҳарлари ҳақида ёзилган тарихий-географик манбалар кўриб чиқилди. Улар орасида машҳур испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга қилган сафари таассуротларига бағишлаб ёзилган “Самарқандга-Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йй.)”⁴⁴ асари таҳлил этилди.

⁴² Марко Поло. Книга о разнообразии мира / Перевод И.Минаева. – М.: ЭКСМО, 2005. – С. 480.

⁴³ Temel Eserler Marko Polo seyahetnamesi. II cilt. Yayına hazırlayan F. Dokuman.– Ankara: Tercüman 1001 Temel Eser, 1976. – S. 193-226.

⁴⁴ Гадоев К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2012. – Б. 84.

“Кундалик”да Клавихо саёҳати давомида ўзи бевосита гувоҳ бўлган ёки эшитган ўрта асрлардаги Европа ва Осиёдаги ижтимоий ҳаёт, турли халқларнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ривоятлари, тартиб-қоидалар, мамлакатлар, шаҳарларнинг географик жойлашуви, иқлими, денгизлар, қумлик саҳролар, тоғлар, кўллар, обод ва хароба шаҳарлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилган⁴⁵.

Бавариялик немис, жангчи рицар Иоганн Шилтбергернинг Болқон ярим ороли, Шарқий Европа, Кичик Осиё, Эрон, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Ироқ, Сурия ва Мисрга қарийиб ўттиз тўрт йил – 1394 йилдан 1427 йилгача қилган саёҳати давомида ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, эшитган ҳикоялари ҳақида маълумотлар “Иоганн Шилтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳати 1394-1427 йй”., номли асарида жамланган⁴⁶. Умуман, бу асар Шарқий Европа, Кичик Осиё, Эрон, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Ироқ, Сурия ва Миср мамлакатлари тарихи ва халқлари ҳақида айрим, диққатга сазовор маълумотлар беради.

Унинг саёҳатномасида жуда кўп ноаниқликлар, айрим воқеаларни бўрттириб ёки камситиб ёзишлар учрайди. Жумладан:

1) Баъзи тарихчилар сингари Иоганн Шилтбергер ҳам Амир Темурнинг сиймосида шафқатсиз ва бераҳм истилочи ҳукмдор қиёфасини кўради, лекин унинг шахсиятидаги бошқа ижобий томонлар – бунёдкорлик ва илм-фанга ҳомийлик каби олижаноб хусусиятларини кўра олмаган.

2) Баъзи маълумотларни бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилган. Масалан, у Амир Темур кўшинининг сонини сунъий равишда ошириб, 800000, баъзан 1200000 нафар деб келтирган.

3) Соҳибқирон Темурнинг Исфаҳонда қолдирилган кўшинини икки баробар кўпайтириб етти минг нафар деб ёзади. Ҳолбуки, бу рақам Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида ҳақиқатда уч ярим минг киши деб кўрсатилган.

4) Амир Темурнинг фақат икки нафар ўғиллари, яъни, Шоҳрух ва Мироншоҳ бор деб сонини нотўғри кўрсатган. Афтидан, у бир оз олдин вафот этган катта ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх мирзоларни билмаган. Шоҳрух мирзони Амир Темурнинг катта ўғли деб ёзган, аслида у Амир Темурнинг кичик ўғли бўлган.

5) Саёҳатноманинг баъзи бир жойларида ҳудудларнинг шарқдаги номи ва географик таърифланиши нотўғри келтирилган.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, ўрта асрлар Европа жамиятининг ёрқин вакиллари бўлган Плато Карпини, Вилгельм Рубрук, Марко Поло, Руи Гонсалес де Клавихо ва Иоганн Шилтбергер асарлари XIII-XV асрларда

⁴⁵Тураев Ш. Ўрта аср европа сайёҳларининг асарларида Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо ва маданий алоқаларнинг ёритилиши//Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Қарши. 2016, – Б. 416-418.

⁴⁶Путешествия Иоганна Шилтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.). – Ташкент: “Шарк”, 1997. – С. 3.

Марказий Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни ёритишда бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Улар асосида Мўғул салтанати ва темурийлар даврида минтақада ўзига хос ижтимоий-маданий муҳит мавжуд бўлгани, туркий, форс, мўғул ва бошқа каби турли элатлардан ташкил топган бу муҳит, сиёсий ҳаётида асосан турк-мўғул анъаналари устувор бўлиши билан бирга, ижтимоий-маданий ҳаётда мусулмон маданияти, хусусан, араб-форс-турк анъаналари етакчилик қилгани кўзга ташланади.

Диссертациянинг учинчи боби “Сўнги ўрта асрлар Европа сайёҳлари ва ҳарбийлари асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тавсифи” деб номланган бўлиб, бу бобда аввало, XVI-XIX асрлар Европа сайёҳлари – Антонио Женкинсон, Мир Иззатулло ва Армений Вамбери асарларида Ўрта Осиё тарихи ва маданиятининг акс этиши масалалари кўриб чиқилди.

Инглиз савдо жосуси ва дипломати Антонио Женкинсон (1529-1611 йиллар) нинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам. Савдогар сифатида Антонио Женкинсон 1558-1560 йилларда Ўрта Осиёга келиб, бу ҳудуддаги мамлакатлар, Хитой ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган. Унинг асосий мақсади Ўрта Осиё орқали Хитой ва Ҳиндистонга савдо йўллари очиш эди. Лекин у ўша даврдаги Ўрта Осиё хонликларида авж олиб кетган маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги ўзаро ички урушлар туфайли ўз мақсадига эриша олмайди.

Бу даврда Евроосиё минтақасининг дашт ҳудудларида неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган кўчманчиларга хос турмуш тарзи аслида минтақанинг географик жойлашуви, табиий шароити ва иқлими билан боғлиқ бўлиб, сайёҳ ёзганидек “аҳолининг катта қисми кўчманчи ҳаёт кечириш”га мажбур эди. Ўрта асрларда “Дашти Қипчоқ”⁴⁷ номи билан танилган Евроосиё даштликлари Шарқий Европадан – Қора денгизнинг шимоли – бугунги Украинанинг жанубий қисмларидан бошланиб, Дон ва Кубан дарёлари оралиғи, Жанубий Рус ерлари, Шимолий Кавказ, Волга – Урал бўйи, Каспий денгизининг шимоли-ғарби, Орол денгизи тевараклари, ҳозирги Қозоғистоннинг марказий ҳудудлари (Бетпақдала), Ғарбий Сибир (Тура ва Тюмен вилоятлари), Иртиш дарёси қирғоқлари, Етисув (Ила, Чу – Талас дарёлари ҳавзалари), Жунғория пасттекислиги оралиғидаги улкан ҳудудларни ўз ичига олар эди⁴⁸. Дашти Қипчоқнинг жанубий ҳудудлари Сирдарё дарёсининг ўрта ва қуйи ҳавзаларини ҳам қамраб, Шимолий Хоразм ва қуйи Амударё қирғоқлари ҳам ушбу тарихий минтақанинг чекка ҳудудлари саналар эди.

Дашти Қипчоқнинг сезиларли бир қисмини – Қора денгизнинг шимоли – Жанубий Рус ерлари – Шимолий Кавказ – Каспий денгизининг шимоли-ғарби – Устюрт – Хоразм ҳудудларида бўлган Антонио Женкинсон ушбу минтақа аҳолисининг кўпчилигини “татар” атамаси остида тилга олади.

⁴⁷ Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан ... – Б. 64.

⁴⁸ Bregel Y. An historical atlas of Central Asia. – Brill Academic Publishers, 2003. – P. 22, 30-32, 36-42.

Дашти Қипчоқ аҳолиси, умуман олганда, Ўрта Осиё ва унга қўшни худудларнинг кўчманчи мусулмон аҳолисини “татар” деб аташ ўрта ва сўнги ўрта асрларда кенг ёйилган бўлиб⁴⁹, бу бежиз эмасди. Сабаби, ушбу худудлар аҳолиси ривожланган ўрта асрларда бўлганидек, Антонио Женкинсон минтақага келган пайтларда аҳоли туркийлардан иборат бўлиб, уларнинг катта қисми мусулмон динига эътиқод қилар эдилар. Бу аҳолига нисбатан “татар” атамасини қўллаш эса минтақага Чингизийлар даврида Мўғулистон ва унинг атрофларидан кўчиб келган мўғул-татар миграцияси билан боғлиқ равишда ўртага чиқади. Бир неча ўнлаб қабила-уруғлардан ташкил топган мўғул-татарлар Дашти Қипчоққа келгач, бу ернинг мусулмон туркий аҳолиси орасига сингиб, ўз тилларини йўқотган ва туркий тилда сўзлаша бошлашган бўлсалар-да, улар билан бирга келган “татар” этноними минтақанинг туркий ва турклашган мўғул қабилалари учун умумий номга айланиб, шу тариқа Европа тарихий адабиётларида ўрин олган эди.

Мир Иззатулло Қошғар, Қўқон, Самарқанд шаҳарларининг боғлаб турувчи йўллар, у ерда яшовчи аҳоли, манзилгоҳлар, турмуш тарзи, ҳукмдорлар, уларнинг ноиблари ҳақида муҳим маълумотларни қайд этган. Жумладан, “Саёҳатнома”нинг 34-боби “Қошғардан Қўқонга йўл” деб номланиб, унда ушбу иккала шаҳар орасидаги тоғли худудда жойлашган шаҳарлар – Ўш, Фарғона ҳақида, шунингдек, аҳолиси асосан қирғизлардан иборат қишлоқ ва овуллар тўғрисида маълумотлар келтирилади⁵⁰. Шунингдек, сайёҳ ёзиб қолдирган “Саёҳатнома”сида ўша пайтларда Шарқий Туркистоннинг марказий шаҳарларидан бири бўлиб, Хитойнинг нуфузи ортиб бораётган Қошғар ва унинг Қўқон хонлиги билан чегара оралиғида яшайдиган маҳаллий аҳолининг асосан қирғизлардан иборатлиги, уларнинг бир қисми Хитойга, бир қисми эса Қўқон хонлигига бўйсунгани, бу ердаги аҳолининг хўжалик ҳаётида чорвачилик ва кўмир савдоси етакчи ўрин тутишини англаш мумкин⁵¹.

Сайёҳ Қўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилиги туркий халқлар – ўзбеклар (шунингдек, уларнинг турк ва қипчоқ уруғлари), қирғизлар ва қозоқлардан, бир қисми эса форс тили тожиклардан иборат эканлигини ёзиб, бу ҳақда қуйидагича маълумотлар келтиради: *“Маҳаллий аҳолининг сўзлашув тили турк тили, лекин шаҳар аҳолиси орасида форс тилини тушунадиганлар ҳам бор”*⁵². Буни Мир Иззатулло томонидан қайд этилган *“Қўқон хонлигига*

⁴⁹Храпунов Н. И., Храпунова С. Н. Записки Джона Смита как источник по истории Крымского ханства в начале XVII в. // Золотоордынское обозрение. 2015. – Казань. – № 4. – С. 151-168.

⁵⁰Oriental Biographical Dictionary by T.W.Beale, a new edition revised and enlarged by K.O.Keen; London, 1894, – 428 p. Voyage dans l’Asie Centrale, par Mir J’zzet-ullah, en 1812. Magasin asiatique, ou Revue Gеographique et Historique de l’Asie Centrale et Septentrionale: publiee par M-r T. Klaproth. Tome second, M DCCC XXVI, Paris, Lierairie orientals de Dondey – Dupre Pare et Fils.

⁵¹Яншин В.П. Английские «Путешественники» – Разведчики в Центральной Азии / Вестник КРСУ. 2004. Том 4. № 1. – С. 60.

⁵²Почекаев Р.Ю. Государство и право в Центральной Азии глазами российских и западных путешественников. XVIII – начало XX в. М.: Litres, 2019. – С. 30-31.

қирғизлар, турклар, қипчоқлар, қозоқ халқлари бўйсунди” деган мазмундаги маълумот ҳам тасдиқлайди.

Шу билан бирга, сайёҳ Ўрта Осиёдаги хонликлар орасида ўзаро келишмовчиликлар борлигига гувоҳ бўлади. Бу даврда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонликлари ортасида ҳудуд талашувлари юз бериб, Жиззах, Ўратепа, Бадахшонда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун тез-тез тўқнашувлар содир бўлар эди.

1863 йилнинг март ойида А.Вамбери (1832-1913 йиллар) Венгрия Фанлар Академияси маблағи ҳисобига миллати турк бўлган Рашид афанди номи билан дарвеш қиёфасида Ўрта Осиёга сафар қилиш мақсадида Трабзондан Техронга йўл олди. Эронда у Макка зиёратидан қайтаётган ҳожилар карвонига қўшилиб, улар билан бир неча вақт Марказий Эронда тўхтаб, Табриз, Занжон ва Қазвин каби шаҳарларда бўлган. Сўнг Вамбери ҳожилар карвони билан Исфаҳон, Шероз ва Мозандарон орқали Каспий денгизининг жануби-шарқий қирғоқлари томон йўл олди. Шу ердан у Қорақум чўли орқали Хоразм воҳасида, кейинчалик Бухоро ва Ўрта Осиёнинг бир қатор шаҳарларида бўлиб, шаҳарларнинг жойлашув ўрни, табиати ва иқлими, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, этник таркиби, урф-одатлари, иқтисодий ва маиший ҳаёти, бозорлар, хунармандчилик, масжид ва мадрасалар ҳақида анча-мунча батафсил маълумотлар беради⁵³.

Хуллас, А.Женкинсон, Мир Иззатулло ва А.Вамбери каби ҳар бири нисбатан фарқли даврларда Ўрта Осиёда бўлган сайёҳлар томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар минтақа тарихи, айниқса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти учун муҳим ва бирламчи материаллар сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Учинчи бобнинг *“XVII-XIX асрлар Россия элчилик миссиялари, ҳарбийлар ва дипломатлар асарларида Ўрта Осиё тарихининг ёритилиши”* деб номланган иккинчи параграфида XVII-XIX асрларнинг 20-50-йилларигача бўлган даврда Бухоро хонлиги билан Россия ўртасидаги алоқаларга оид нашр этилган манбаларни ўрганишда Т.Бурнашев (XVIII аср)⁵⁴ асарлари ва 1714-1717 йилларда Рус ҳукумати томонидан А.Б.Черкасский бошчилигида Хива хонлигига уюштирилган ҳарбий экспедиция даврида тўпланган маълумотлар⁵⁵ни, 1820 йилда А.Ф.Негри элчилик миссияси таркибида Бухорога келган Е.К.Мейендорф⁵⁶, 1833 йилда Бухорода татар мулласи

⁵³Bartholomä R. Von Zentralasien nach Windsor Castle. Leben und Werk des ungarischen Orientalisten Arminius Vámbéry (1832-1913), Würzburg: Ergon, 2006. A.Vámbéry, Á. Vámbéry Ármin vázlati Közép-Ázsiából. Ujabb adalékok az oxusmelléki országok népismereti, társadalmi és politikai viszonyaihoz. – Pest: Ráth Mór, 1868. – С. 128-140.; Тихонов Н.С. Вамбери. – М.: Мысль, 1974. – С. 48 (Замечательные географы и путешественники).

⁵⁴Путешествие Т.С. Бурнашева от Сибирской линии до города Бухари в 1794 г. и обратно в 1795 г. Изложено Г. Спасским // Сибирский вестник, 1818. – № 3. – С. 72-89.

⁵⁵Бу экспедиция йўналиши Каспий бўйидан Хива хонлиги ҳудудига олиб келувчи карвон йўллари орқали амалга оширилгани маълум. Бу ҳақда қаранг: Гулямов. Х.Г. Дипломатическая отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX в. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 55-58.

⁵⁶Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 70-75.

Мирза Жаъфар номи билан тўрт ой яшаган П.И.Демезон⁵⁷, К.Ф.Бутенов элчилик миссияси билан 1841 йилда Бухоро амирлигида бўлган шарқшунос Н.В.Ханиковнинг асарлари⁵⁸ асосий муҳим манбалар ролини бажаради.

XIX аср бошида А.Т.Безносиков, Т.С.Бурнашев ва бошқалар Бухорода бўлган саёхати даврида амирликнинг ҳудуди, чегараси, йирик шаҳарлари, пойтахти, ҳукмдор саройининг тузилиши, бозорлар, карвонсаройлар, масжид ва мадрасалар ва бошқа масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишган⁵⁹. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, турли мақсадларда Ўрта Осиёга ташриф буюрган россиялик элчи, сайёҳ, савдогар ва бошқа касб эгалари минтақанинг пойтахт шаҳарларини батафсил тасвирлашга ҳаракат қилишган. Бундан мақсад Россия учун бирмунча номаълум бўлган шаҳарларни танитиш, савдо-сотикқа йўл очиш бўлса, асосий мақсад эса Россия моллари учун янги бозорлар очиш, келгусида бу ерларда ўз назоратини ўрнатиш учун жойларни тўлақонли ўрганиш бўлган.

П.И.Демезон (1807-1873 йиллар) тўплаган маълумотлар Бухоро амирлиги ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Жумладан, амирликнинг ижтимоий-сиёсий тизими, ҳарбий қўшини, ички ва ташқи савло алоқалари. бозорлар, карвонсаройлар, аҳолиси таркиби, маиший турмуш тарзи, урф-одатлари, уй-жойлари, мадрасалар, масжидлар, диний уламолари ҳақида маълумотлар аниқ далилларга асослангандир⁶⁰.

Россиялик Н.В.Хаников (1819-1878 йиллар) К.Ф.Бутенов бошлик элчилик миссияси таркибида юриб, амирликнинг тарихи ва иқтисодий-сиёсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар тўплаган ва 1843 йилда Бухоро хонлиги тўғрисидаги⁶¹ муҳим илмий асарида Бухоро амирлигининг ички сиёсатида манғит ҳукмдорларининг асосий мақсади марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, халқ оммасини қаттиқ итоатда тутишдан иборат эканлигини қайд этади. Айни пайтда у манғит ҳукмдорлари йирик зодагонларнинг нуфузини камайтиришга имкон берувчи таянч кучларни вужудга келтириш сиёсатини юритгани ҳақида маълумот беради. Унинг қайд этишича, бу даврда амир саройида хизмат қилувчи 300 нафарга яқин юқори амалдорлар лавозими жорий этилган бўлиб, уларнинг сони сарой ташқарисида 30000 нафардан ортиқ бўлган.

Н.Хаников ўз асарида Бухоро амирлиги ҳудуди, чегаралари, қишлоқлари ва шаҳарлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. У ўз эсдаликларида аҳолининг машғулотлари ҳунармандчилик, деҳқончилик (боғдорчилик, полизчилик) ва чорвачилик эканлигига эътибор қаратади.

⁵⁷ Демезон П.И. Записки о Бухарском ханстве (Отчети П.И. Демезона и И.В. Веткевича). – М.: Наука, 1983. – С. 17-83.

⁵⁸ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 279 с.

⁵⁹ Путешествие Т.С. Бурнашева от Сибирской линии до города Бухари в 1794 г. и обратно в 1795 г. Изложено Г.Спасским // Сибирский вестник, 1818. – Части II и III № 3. – С. 72-89, 247-284.

⁶⁰ Халфин Н.А. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М., Наука. 1983. – С. 21-22.

⁶¹ Холикова Р.Э. Н.В. Хаников ва унинг “Бухоро хонлиги тавсифи” асари (“Бухоро хонлиги рус олимлари нигоҳида” рукнидан) // ЎзМУ хабарлари. Тошкент: 1/1 2014. – Б. 27-30.

Хуллас, европалик элчи, сайёҳ, савдогар ва яна бир қатор касб эгалари Ўрта Осиёда бўлган пайтларида бу ердаги ижтимоий-сиёсий вазият, минтақа халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, тили, дини, иқтисодий ва маданий ҳаёти, стратегик аҳамиятга эга жойлар: шаҳарлар ва уларнинг географик жойлашуви, йўл ва масофалар, дарё ва тоғлар, дашт ва чўллар, иқлим шароити, табиий бойликлари ва ҳоказо масалаларга синчковлик билан ўрганганликлари кўриниб турибди.

ХУЛОСА

Ўрта асрларда Европа ёзма манбаларида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг ёритилиши бўйича қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Ўрта асрларда, хусусан, илк ва сўнгги ўрта асрлар орасидаги қарийб I минг йилни ўз ичига олган вақт кесимида ёзилган Европа тилларидаги, айниқса, юнон (Византия), лотин, инглиз ва рус тилларидаги ёзма манбалар Марказий Осиё халқлари тарихининг катта бир даврини ёритадиган маълумотларга эгаллиги билан қимматлидир. Европалик сайёҳ, элчи, савдогар, ҳарбий ва бошқа касб эгалари томонидан ёзилган Европа тилларидаги маълумотлар асосида минтақа халқларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий томонларини ёритиш мумкин. Улар Марказий Осиё тарихининг ўрта асрлар даврига тегишли хитой, араб, форс, туркий, арман, сурёний ва бошқа тиллардаги маълумотларни тўлдирибгина қолмай, балки, уларда ўрин олмаган кўплаб тарихий воқеликларга аниқлик киритадиган моҳиятдадир;

2. Илк ўрта асрлардаги Ўрта Осиёга оид маълумотларни ўзида акс эттирган Византия ёзма манбалари милoddан олдинги сўнгги I минг йилликнинг ўрталари ва милodий I минг йилликнинг ўрталарида ёзилган юнон ва лотин тилли Европа манбаларидан анчагина фарқ қилиб, Византия муаллифлари ўзларидан олдинги қарийб минг йиллик даврни ўз ичига олувчи қадимги Европа тарихчилигининг давомчисидир. Шу билан бирга, қадимги Европада мавжуд тарихнавислик анъаналарига таянган византиялик муаллифлар минтақа тарихини янада аниқроқ ва ёрқинроқ ёрита оладиган маълумотларни ёзиб қолдирганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу даврда Византиядан Ўрта Осиёга ўнлаб элчиликлар ташриф буюрган бўлиб, улар ҳақиқий воқеликларни ўз кўзи билан кўришган ва ўз юртларига қайтгач бу ҳақда император саройига ҳисобот беришган. Византия тарихчилари – Менандр (VI аср охирлари), Феофан (VII аср бошлари), Феофиликат Симокатта (VII аср биринчи ярми) кабилар ўз асарларида минтақага оид маълумотларни келтирар эканлар, элчилар келтирган хабарлардан фойдаланиб, ҳаққоний воқеликларни тасвирлашган. Бу эса Византия манбаларининг илмий қийматини янада оширади. Улар асосида ўша даврларда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда ҳукмрон бўлган Эфталийлар (V-VI асрлар), Турк хоқонлиги (VI-VIII асрлар) ва ушбу салтанатлар қўл остидаги Сўғд, Бақтрия,

Хуросон тарихи билан боғлиқ кўплаб тарихий воқеликларга ойдинлик киритиш мумкин. Шунингдек, Византия манбаларида туркийлар Сирдарё бўйи ва Еттисувда ўз шаҳарларига эга этнос сифатида ҳам тилга олинади. Византия манбалари Византия – Ўрта Осиё, Сосонийлар Эрони – Ўрта Осиё алоқаларига доир бирламчи маълумотларга эга бўлиб, хитой йилномалари, бактрий ва суғдий тилли ҳужжатлардан ўрин олган маълумотларни тўлдиради;

3. Ривожланган ўрта асрларга келиб, Европа христиан жамиятининг вакиллари бўлмиш Плато Карпини ва Вилгельм Рубрук кундаликларидagi маълумотлар Марказий Осиё тарихини ёритувчи Европа манбаларининг илмий аҳамиятининг янада ошишига олиб келди. Улар араб, форс ва туркий каби маҳаллий манбалардан анча фарқ қилиб, минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни нисбатан бошқачароқ ракурсда ёритишган. Ўз мафкурасига кўра мусулмонлардан кескин ажралиб турувчи мазкур сайёҳлар христиан этиқодидаги кишилар сифатида Мўғул салтанати тарихи билан боғлиқ кўплаб мавҳум масалаларга аниқлик киритадиган маълумотларни ёзиб қолдиришган. Европалик миссионерлар Чингизийларнинг бош пойтахти – Мўғулистондаги Қорақурум шаҳригача бориб, ўз ҳукмдорларининг истак ва таклифларини етказишга ҳаракат қилишган;

4. Бу даврда Марказий Осиё ва унга туташ ўлкаларга европаликларнинг ташрифи фақатгина сиёсий мақсадли бўлмасдан, иқтисодий манфаатлар ҳам кўзда тутилгани кўринади. Италия савдогарлари бўлмиш Марко Поло ва унинг йўлдошлари бунинг яққол мисолидир. Мўғулларнинг европаликлар билан қўшни бўлиб қолиши кўп асрлар давомида Европа учун нисбатан мавҳум бўлиб келаётган ўлкалар – Мўғулистон, Хитой ва Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий қисмлари билан танишиш имконини берди. Марко Поло қайдлари кейинчалик европалик савдогарлар учун ўзига хос йўл кўрсаткич вазифасини бажариб, янги савдо йўллариининг очилишига амалий ёрдам беради;

5. Европа сайёҳлари ва бошқа ўрта аср муаллифлари асарлари орасида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бўйича Руи Гонсалес де Клавихо ва Иоганн Шильтбергер асарлари ўзининг далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ улар ўзлари ташриф буюрган ўлкаларнинг маданий ҳаётини кичик деталларигача ёзиб қолдиришган. Улар асосида Темур ва темурийлар салтанатидаги аҳолининг, хусусан, Мовароуннаҳр аҳолисининг турмуш тарзи, темурийлар саройидаги аёлларнинг мавқеи, шаҳарлар ва уларнинг ички тузилиши, бозорлар, маҳаллий аҳолининг маиший ҳаёти каби ўрта асрлар Шарқ маданиятига хос анъаналарни яққол кузатиш имконияти туғилади;

6. Ўрта асрлар Европа жамиятининг ёрқин вакиллари бўлган Плато Карпини, Вилгельм Рубрук, Марко Поло, Руи Гонсалес де Клавихо ва Иоганн Шильтбергер асарлари XIII-XV асрларда Марказий Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларни ёритишда бирламчи манба

бўлиб хизмат қилади. Европалик элчи, сайёҳ, савдогар, ҳарбий ва бошқа соҳа вакиллари минтақа халқларининг географик жойлашуви, тили, урф-одатига қизиқиб, ўзаро алоқаларни кучайтириш учун янада кўпроқ маълумотлар тўплай бошлайдилар. Натижада Европада минтақанинг сув ва қуруқлик йўллари, тоғ ва чўллари тавсифловчи ўнлаб хариталар яратилади;

7. Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёга келган Европа вакиллари минтақа халқлари тарихи ва маданиятига алоҳида аҳамият бериб, аввалгилардан фарқли ҳолда минтақани янада яқинроқ танишга интиланликлари кўзга ташланади. Антонио Женкинсон, Мир Иззатулло ва Арминий Вамбери каби европалик, Европа давлатлари манфаатларига хизмат қилган элчи ва сайёҳлар, айниқса, россиялик ўнлаб элчи ва ҳарбийлар ёзиб қолдирган маълумотлар таҳлили шундан дарак берадики, бу даврда Ўрта Осиё бўйича тўпланган материаллар фақатгина эсдаликлардан иборат бўлиб қолмасдан, балки уларда кундалик қайдлар билан бир қаторда, харита ва чизмалар ўрин олган эди. Илк ва ривожланган ўрта асрларда минтақага ташриф буюрган европалик муаллифларнинг маълумотлари кўпроқ тавсифий мазмунга эга бўлса, сўнгги ўрта асрларга келиб Европа муаллифлари имкон қадар мақсадли маълумотлар тўплашга ҳаракат қилишгани яхши сезилади;

8. Европалик муаллифлар сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг Амударё-Сирдарё оралиғидаги Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Марғилон, Қўқон, Шаҳрисабз, Чоржўй, Термиз шаҳарлари минтақанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатида келтириб, Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудлари аҳоли вакиллари ушбу шаҳарларга келиб савдо-сотик ишларини амалга оширганлари, татар, қozoқ, қирғиз, туркман ёшлари таълим олиш учун Хива ва Бухоро шаҳарларидаги мадрасалар таҳсил олганини таъкидлаб ўтишган. Бу эса мамлакатимиз ҳудуди бошқа тиллардаги манбаларда қайд этилганидек, Европа манбаларида ҳам Ўрта Осиёнинг асосий маданият ўчоғи сифатида эътироф этилиб, алоҳида тилга олинганини кўрсатади.

Ушбу изланиш натижалари бўйича қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврини ёритишда, айниқса, минтақа халқлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий ҳолати ҳақида ёзиладиган яхлит илмий ишлар ва илмий оммабоп нашрлар тайёрлаш;

2. Европа тилларидаги тарихий маълумотларни Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва минтақада кечган этносиёсий жараёнларни бошқа тиллардаги манба маълумотлари орқали комплекс ўрганиш;

3. Республика ва вилоятлар миқёсидаги тарих ва маданият музейларида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даврига оид Европада ёзилган тарихий манбалар: кундаликлар, саёҳатномалар, эсдалик ва хариталар каби материаллардан экспонат сифатида фойдаланиш;

4. Европа тилларида яратилган тарихий асарлардаги маълумотларни ўзаро солиштириш натижасида қўлга киритилган Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даврига тегишли маълумотлардан назарий-антропологик ёндашувларда фойдаланиш ва уларни илмий ишлар мавзуси доирасида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/27.02.2021.Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУРАЕВ ШУХРАТ РАХМАНОВИЧ

**ОСВЕЩЕНИЕ ИСТОРИИ И КУЛЬТУРЫ СРЕДНЕЙ АЗИИ
В ТРУДАХ СРЕДНЕВЕКОВЫХ ЕВРОПЕЙСКИХ
ПУТЕШЕСТВЕННИКОВ**

07.00.01 – История Узбекистана

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора
философии (PhD) по историческим наукам

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В.2019.4.PhD/Tar574.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-tarix.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Эшов Баходир Жураевич
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: Раимкулов Абдусабур Аззамович
доктор исторических наук
Бабаяров Гайбулла Боллиевич
доктор исторических наук

Ведущая организация: Педагогический институт Термезского государственного университета

Защита диссертации состоится «18» 03 2022 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05 по присуждению ученых степеней доктора философии (PhD) при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинском государственном университете.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 19). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «10» 03 2022 года
(реестр протокола рассылки № 6 от «10» 03 2022 года).



Г.Э. Муминова
Заместитель председателя
Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

Н.Ч. Ражабова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.и.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, когда все более усиливаются взаимные сотрудничество связи, является актуальным всестороннее изучение прошлого народов региона Евразии, являющегося важной составной частью мировой истории. Это связано с тем, что также, как Кавказ и Волго-Уральский район, территория Центральной Азии в качестве неотъемлемой составной части евразийских просторов выполняла для народов региона роль удобного географического пространства для социально-политических и экономическо-культурных процессов. Для дальнейшего развития взаимного сотрудничества между государствами Европейского Союза и Центральной Азии целесообразно определить общие для народов обоих регионов стороны и, обратившись к историческому опыту, разработать планы для их настоящего и будущего.

Заслуживает внимания, что в ведущих государствах мира, в частности, в таких развитых государствах Европы, как Англия, Франция, Германия, Испания, Италия, десятки научных центров, исследующих Центральную Азию, в течение своей деятельности изучают государственность, этнографию, менталитет народов региона, а в целом, исследуют их историю и культуру в историко-антропологическом направлении. Эти исследовательские центры наряду с письменными источниками на различных языках осуществляют археологические и этнографические исследования, а также особенное внимание уделяют письменным свидетельствам, оставленным путешественниками и послами. В этом смысле бесценна роль десятков путешественников, послов и купцов, посещавших Центральную Азию в продолжении почти пятисотлетнего периода познакомивших Европу с этим регионом.

На 99-й сессии Исполнительного совета Всемирной туристической организации при ООН, проведенной в городе Самарканде, утверждалось, что “...(толерантность) получила отражение в дневниках великих путешественников и исследователей, которые в различные исторические периоды проходили по Великому шелковому пути. Это люди были представителями различных наций, в частности, к этим список можно отнести Чжан Цзяна из Китая, Марко Поло из Италии, Клавихо из Испании, Ибн Фадлана и Ибн Баттуту из арабских стран, Дженкинсона из Англии, Шильтбергера из Германии, Вамбери из Венгрии”¹, что требует тщательного изучения трудов европейских авторов. В этой связи выбранная нами тема исследования является актуальной.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач по развитию научных исследований и инновационной деятельности, научному изучению, пропаганде и обогащению богатой истории, материальной и духовной культуры народа, определенных в Указах

¹99-я сессия Исполнительного совета Всемирной туристической организации при ООН, город Самарканд, 1-3 октября 2014 года. – С. 14.

Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана»² и № УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года»³ и других правительственных документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением I. «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Изучение трудов европейских путешественников, посвященных истории и культуре Средней Азии в средневековье, их воспоминаний, дневников и отчетов, в которых приведены сведения о населении и этническом составе региона, политической системе и порядках управления, способах и средствах связи и коммуникации, городах, привлечение этих трудов к историческим исследованиям в качестве важных исторических источников приходится на конец XIX – начало XX веков и продолжается в настоящее время. Исходя из особенностей исследований и степени их издания, целесообразно разделить изучение темы на следующие хронологические периоды:

1. Исследования, относящиеся ко второй половине XIX века – 20-80-м годам XX века. 2. Освещение темы в период независимости. 3. Изучение проблемы в зарубежной историографии.

Целесообразно следующим образом классифицировать европейские письменные источники, играющие важную роль в освещении темы:

1. Византийские источники. В произведениях византийских историков, созданных в раннем средневековье, встречаются некоторые сведения, вносящие ясность в тему исследования⁴. Они представляют ценность в связи с первичными сведениями о социально-политической обстановке, международных отношениях, направлениях караванных путей и средствах перевозки в регионе.

2. Источники периода развитого средневековья. Источники этого периода, написанные на различных европейских языках, отличаются от трудов византийских историков раннего средневековья большим числом сведений, их точностью. Достоверность сведений возрастает в связи с тем, что большинство авторов этого периода являлись членами европейских посольских миссий, непосредственно прибывших в Среднюю Азию, и путешественниками. Особое место среди них занимают труды непосредственно

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»//<https://lex.uz/docs/3107036>

³Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года»// Народная слова. 30 октября 2020 года, №229 (7731).

⁴Аммиан Марцеллин. Римская история / Перевод с латинского Й.А. Кулоковский. – М.: АСТ, 2005. – С. 495.; Менаандр. Византийские историки / Перевод с греческого С. Дестуниса, дополненный с примечаниями Д. Дестуниса. – СПб., 1860.; Прокопий Кесарийский. История войн римлян с персами / Перевод с греческого С. Дестуниса. – СПб., 1876. Ч. I.

посетивших Центральную Азию в середине XIII века Плато Карпини⁵, Вилгельма Рубрука⁶, Марко Поло⁷ и Иоганна Шильтбергера⁸, Руи Гонсалеса де Клавихо⁹ (XV век) и других.

3. Источники относящиеся к периоду поздних средневековье. В XVI-первой половине XIX веков европейские исследователи, особенно, русские географы, путешественники, востоковеды в освещении истории региона добились больших успехов. К ним относятся сведения, собранные англичанином А.Дженкинсоном (XVI век), прибывшим в Бухару в качестве посла московского князя Ивана Грозного¹⁰, труды Т. Бурнашева (XVIII век)¹¹ и сведения, собранные во время военной экспедиции, организованной в 1714-1717 годах русским правительством Хивинском ханстве под руководством Александра Бековича Черкасского¹², которые служат важными источниками.

